20__ | Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2019-yil 30-mart, shanba 25 (8992)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ, ҲУДУДЛАРНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 март куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.*

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида барча соҳаларни ривожлантириш бўйича кенг кўламли вазифаларни белгилаб берган эди. Ушбу топшириқлар ижроси юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Янги уй-жойлар, саноат корхоналари, ижтимоий объектлар бунёд этилди. Маҳаллийлаштириш даражаси ва экспорт ҳажми ошди. Транспорт ва сервис инфратузилмаси ривожланиб, сайёҳлар оқими кўпайди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган имкониятлар ишга солинди.

Президентимиз вилоятга бу галги ташрифини Абдухолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошлади.

Абдухолиқ Ғиждувоний 1103 йили Ғиждувон шаҳрида таваллуд топган. Аллома ислом оламида машҳур тасаввуф намояндаси Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган. Бухоро заминидан етишиб чиққан "Етти пир"нинг биринчиси ҳисобланган аллома мангу ором топган маскан бугунги кунда табаррук зиёратгоҳга айлантирилган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 16 февраль куни вилоятга ташрифи чоғида Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Саййид Амир Кулол меъморий мажмуаларини ўз ичига олган "Етти пир" зиёратгоҳини замон талаблари даражасида реконструкция қилиш ва уларни боғловчи янги сайёҳлик йўналиши ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шунга мувофиқ, "Етти пир" зиёратгоҳларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Абдухолиқ Ғиждувоний мажмуасида янги масжид ва ёзги айвон, хазира ёдгорлиги ва зиёратгоҳ қошида меҳмонхона қурилмоқда, мажмуа атрофи ободонлаштирилмоқда.

Абдухолиқ Ғиждувоний мақбараси зиёрат этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Президентимиз мақбарада амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. Бу ерга имом-хатибларни жалб этиб, уларга алломаларимиз маънавий меросини чуқур ўргатиш, халқимизга етказиш бўйича топшириқлар берди.

Китобда ўқиш бошқа, зиёрат қилиб, юракдан ўтказиб ўрганиш бошқа. Бу жой маърифат маркази бўлиши, одамлар ўзига илм олиб кетиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда "Етти пир" зиёратгоҳларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди. Мазкур мақбаралардаги бунёдкорлик ишлари улуғ алломаларимиз меросини жаҳонга кенг тарғиб этиш ва бу ерга келувчилар учун барча қулайлик яратиш мақсадида ягона концепция асосида олиб борилмоқда. Барча зиёратгоҳлар атрофи ўралиб, таҳоратхона, масжид, музей, меҳмонхона, чойхона, автомобиллар тўхташ жойлари, эсдалик буюмлар ва китоб савдо расталари барпо этилмоқда, ҳудуди тўлиқ ободонлаштирилмоқда.

Энг муҳими, Президентимиз ғояси асосида "Етти пир" мажмуаларини зиёрат қилиш битта йўналишдан бошланади. Яъни вилоятга ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспортида келган сайёҳлар зиёратни Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуасидан бошлайди.

Давлатимиз раҳбари бу масканларни обод қилиш билан бирга, "Етти пир" ҳақида китоб яратиш, уларнинг илмий меросини тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади.

Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукаммал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин, деди Президентимиз.

Мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар мақбараларини обод қилишга қаратилаётган эътибор халқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди.

Президентимиз бу санага юксак даражада тайёргарлик кўриш, унинг доирасидаги тадбирларни Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги билан ҳамоҳанг нишонлаш, халқаро илмий конференция ўтказиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз 2017 йили Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Ғиждувон туманидаги собиқ ип-йигирув фабрикасининг бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан унумли фойдаланиш, Ғиждувон эркин иқтисодий зонасини ушбу ҳудудда жойлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берган эди.

"Парвоз Ҳумо Равнақ Транс" масъулияти чекланган жамияти томонидан собиқ фабриканинг 9 гектардан зиёд майдонида қисқа муддатда йирик лойиҳа – ип-йигирув корхонаси ташкил этилди.

Умумий қиймати 27 миллион АҚШ доллари бўлган фабрика учун Ипотека банк филиалидан ажратилган кредит эвазига Германия, Туркия, Швейцария, Япония ва Ҳиндистондан замонавий ускуналар харид қилинди. Масъулияти чекланган жамият ўз маблағи ҳисобидан бино ва иншоотларни қайта қуриб, реконструкция қилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ип-йигирув ва тўқув корхонасини бориб кўрди.

Жорий йил январда ишга туширилган корхона йилига 9400 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш, 5 миллион долларлик экспорт қилиш қувватига эга. Халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ички бозорга ва хорижий буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Қарийб 33 миллиард сўмлик ип-калава сотилиб, 1,1 миллион долларлик маҳсулот Россия, Туркия, Польша ва Молдовага экспорт қилинди. Айни пайтда корхона Туркияда савдо уйи ташкил этиб, маҳсулот экспорти бўйича хорижий шериклар билан музокаралар олиб бормоқда.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, иккинчи босқичда ишлаб чиқариш қуввати янада кенгайтирилиши, экспорт йилига 51 миллион долларга, иш ўринлари 1 минг 250 тага етказилиши режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев корхонада ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Яқинда АҚШ Ўзбекистон пахтасини сотиб олишга тақиқни бекор қилганини, бу мамлакатимиз пахта етиштирувчиларининг Америка бозорига тўлақонли киришига, хорижий нуфузли компаниялар билан бизнес алоқаларни кенгайтиришига йўл очиб берганини таъкидлади.

Эндиги навбат – пахтамизни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар экспортини янада ошириш чораларини кўришимиз зарур, деди Президентимиз.

Шу ерда Бухоро вилоятининг саноат салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада)



Қорақалпоғистон Республикаси

## Янги уйлар муборак!

***Нукус шаҳридаги "Дарбент" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳарбий хизматчиларга янги уй-жойларни топшириш маросими бўлиб ўтди.***

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали хизмат қилишлари учун етарли шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, янги уй соҳибларини табриклади.

Беш қаватли 30 хонадондан иборат ушбу уй "Қизкеткен махсус қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қуриб битказилди. Таъкидлаш лозимки, янги уй-жойнинг бошланғич бадал пули Мудофаа вазирлиги томонидан тўлаб берилган бўлса, қолгани узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади.

– Бундай эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирамиз, – дейди янги хонадон эгаларидан бири, сержант Нурбек Ражабов. – Қаерда бўлмайлик, оиламизнинг ёнимизда бўлиши биз, ҳарбийларга қўшимча куч бағишлайди. Бу эса чегараларимиз дахлсизлиги, халқимиз осойишталиги йўлида астойдил хизмат қилишга ундайди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол ташқи сиёсат туфайли халқаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистон – Латвия шериклиги иқтисодиёт, ижтимоий, маданий соҳаларда янги йўналиш ва кўлам касб этмоқда. Мамлакатларимизнинг 2018 йилда ўзаро товар айланмаси ҳажми 50 фоизга ортгани фикримизга ёрқин мисол.***

### ЯНИС МАЖЕЙКИС:

## ЎЗБЕКИСТОН – ЛАТВИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Латвия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Давлат котиби ўринбосари, сиёсий директори Янис Мажейкис бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи ушбу йўналишлардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашиш имконини берди.

Мамлакатимизда Латвия делегацияси билан кечган учрашувлар якуни бўйича **Латвия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Давлат котиби ўринбосари, сиёсий директори Янис МАЖЕЙКИС** ҳамкорлик йўналишлари, ташриф натижалари ҳақида ЎзА мухбирига интервью берди.

**– Суҳбатимиз аввалида ташрифдан кўзланган мақсад ҳақида гапирсангиз.**

– Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётнинг диверсификация қилиниши, валюта сиёсати, инвесторлар учун қулай бизнес муҳит яратилгани шулар жумласидан.

Ташриф доирасида Тошкентда ташкил этилган Ўзбекистон – Латвия вазирликлараро сиёсий маслаҳатлашувларининг навбатдаги раунди бу каби мақсадларга эришишдаги томонлар қарашларини ўрганиш ва якдил режалар ишлаб чиқиш имконини беради.

**– Сиёсий маслаҳатлашувлар ҳақида тўхталиб ўтдингиз. Бу галги учрашув доирасида қандай масалалар муҳокамалар марказида бўлди?**

– Ўзбекистон – Латвия делегациялари иштирокидаги учрашув кенг қамровли бўлди. Унда икки томонлама алоқалар, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдик.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Эргашев билан бўлган суҳбат ҳам самарали кечганини қайд этиш жоиз. Зеро, Латвия ҳам Афғонистонда тинчликка эришиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш орқали барқарор тараққиётни таъминлаш тарафдори.

**– Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, унинг истиқболлари ҳақида фикрингизни баён қилсангиз.**

– Бугунги кунда Ўзбекистон – Латвия муносабатлари янги босқичда ривожланмоқда, хусусан, таълим соҳасида.

Биргина мисол. Латвияда таҳсил олаётган хорижлик талабалар сони жиҳатидан Ўзбекистон иккинчи ўринда туради. Яъни 1 минг 200 дан ортиқ ўзбекистонлик ёш Латвияда замонавий илм-фан ютуқлари бўйича таълим олмоқда. Бугунги кунда ушбу ҳамкорликни Ўзбекистонда Латвия олий таълим муассасалари филиалларини очиш орқали янги босқичда давом эттирмоқчимиз. Бу икки давлат ўртасида таълим соҳасидаги алоқаларнинг истиқболидан дарак.

Латвиялик тадбиркорлар юртингиз иқтисодиётига сармоя киритиш борасида ҳам катта қизиқиш билдирмоқда. Ташриф доирасида Ўзбекистонда ишбилармонлар учун яратилган шароит ва имтиёзлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлдик.

**ЎзА мухбири**
**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**
**суҳбатлашди.**

Жиззах вилояти

***"Jizzakh textile" Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси Жиззах шаҳридаги йирик саноат корхоналаридан бири саналади.***

## ЯНГИ ҚУВВАТ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТАДИ

Бир неча йиллар ташландиқ бўлиб ётган бино ўрнида барпо этилган мазкур корхонада бугунги кунда 870 нафар ишчи, инженер техник ходим меҳнат қилаётир. Жорий йилда корхонада 8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши кўзда тутилган.

– Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши нафақат ўзимизда, балки турдош корхоналарда тайёрланаётган трикотаж матоларини бўяш, унга гул босиш имкониятини яратади, – дейди қўшма корхона бош муҳандиси Нишонбой Бозоров. – Янги цехнинг шу йилнинг иккинчи чораги якунига қадар ишга туширилиши мўлжалланяпти. Бунинг натижасида йилига 7 минг тонна трикотаж матосини бўяш ва гул босиш имкони яратилади. Бу, корхонада тайёрланаётган 4 минг 500 тонна трикотаж матога ишлов беришдан ташқари, вилоятдаги бошқа турдош корхоналарга ҳам хизмат кўрсатишга йўл очади. Энг муҳими, яна 170 нафар ёш доимий иш билан таъминланади.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



## Хоразмда чигит экишга киришилди

*Хоразм вилояти Шовот туманида чигит экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди.*

***Бешмерган қишлоғидаги "Уста Матсафо" фермер хўжалигида ташкил этилган семинарда вилоят ҳокимлиги, соҳа мутасаддилари, кластер корхоналари, фермер хўжаликлари, чигит экиш отрядлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари иштирок этди.***

Тадбирда таъкидланишича, вилоятда жорий йилги экиш мавсумига пухта тараддуд кўрилиб, ернинг шўри сифатли ювилди. Техника ва механизмлар, чигит, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари шай қилиб қўйилди.

Жорий йилда уруғлик хомашёси етиштириш ва ҳосилни машинада териш учун ажратилган майдонларга чигитни якка қаторлаб, қолган майдонларга қўш қаторлаб экиш режалаштирилмоқда. Ерни тайёрлаш, экиш ишларини мақбул муддатларда (10-12 иш кунида) уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган режа-жадвал белгилаб олинган. Шу мақсадда экиш техника-механизмлари 250 та отрядга бириктирилган ҳолда туну кун ишлаши таъминланади. Ҳар бир ҳудуд ва отрядда тажрибали деҳқон ва мутахассислардан иборат "Назорат" ва "Сифат" гуруҳлари иш олиб боради, дала меҳнаткашларига амалий ёрдам кўрсатади.

Экиш мавсумининг дастлабки куни "Уста Матсафо" фермер хўжалигида беш гектар майдонга чигит экилди.

**Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

«Qishloq hayoti»
2019-yil 30-mart, shanba 25 (8992)-son

# ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ, ҲУДУДЛАРНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

(Боши 1-саҳифада)

Вилоятда 2019-2020 йилларда саноат соҳасида амалга ошириладиган йирик лойиҳалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши паст туманлар салоҳиятини ошириш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж, қурилиш материаллари, тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юртимизнинг Хитой, Индонезия ва Исроилдаги элчихоналари билан инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, инфратузилмани ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Уларга мувофиқ, вилоятда пахта, мева-сабзавот, тери, жун ва кимё маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, саноат салоҳиятини 3 баробар ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Вобкент туманида 136 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туманда ўтган йили бир қатор кичик бизнес субъектлари иш бошлади. "Ekvatorial chodak group" корхонаси – шулардан бири.

Корхонани ташкил этишда Миллий банкнинг 3 миллион доллар кредити ҳамда лойиҳа ташаббускорларининг 2 миллион доллар маблағи сарфланди.

Корхонага Япония, Италия, Туркия ва Хитойдан турли операцияларни бажара оладиган ва ишни конвейер асосида ташкил этиш имконини берадиган 500 дан зиёд замонавий тикув машинаси ҳамда дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилган. Йилига 1 миллион 500 минг донагача жинси шим ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Айни кунда корхонада 500 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Ошхона фаолияти ва олисдан қатнаб ишловчилар учун транспорт хизмати йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи кўп омилларга, жумладан, барча технологик жараён корхонанинг ўзида бажарилишига ҳам боғлиқ. Корхонада кийим-кечакни бўяш ва қайта ишлов бериш цехи ташкил этилган. Қолаверса, цехда вилоятдаги турдош корхоналарга шартнома асосида уларнинг маҳсулотларини бўяш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳисобига қўшимча фойда олинади. Яқинда иш бошлаган пойабзал цехи Италиянинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Йилига бозорга 600 минг жуфт маҳсулот етказиб беради. Лойиҳа қуввати тўла ўзлаштирилгач, ишчи-мутахассислар сони қарийб мингтага етади.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш жараёнини, маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди, ишчилар билан мулоқот қилди. Иқтисодий соҳадаги барча чора-тадбирлардан мақсад халқимизни рози қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш эканини таъкидлади.

Шу ерда келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Бухоро туманидаги "Бухоро-агро" эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 10 июлдаги қарорига мувофиқ вилоятнинг бешта туманида "Бухоро-агро" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган. Уларда гидропоник иссиқхоналар барпо этиш орқали экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мўлжалланган.

Эркин иқтисодий зона учун 3 минг гектар ер ажратилган. Жорий йилда 598 гектар ерда 98 та лойиҳа амалга оширилади. Улар доирасида энергия тежамкор иссиқхоналар ташкил этилиб, маҳсулотларни сақлаш ва қадоқлаш учун экологик тоза қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, 4 минг 300 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Қўшни давлатларга 64 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Шу ернинг ўзида "Agro Trade" мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этиш, "Бухоро Варнет" хорижий корхонаси, "Banoaz Textil", "Rus Trade" масъулияти чекланган жамиятлари томонидан иссиқхона барпо этиш лойиҳалари тақдимотлари ҳам ўтказилди. Хусусан, "Бухоро Варнет" хорижий корхонаси томонидан 115 гектар майдонда замонавий иссиқхона қуриш режалаштирилган. Бир гектар ерда 300 тоннадан 560 тоннагача помидор етиштирилади, 2 мингга яқин иш ўрни яратилади. Жорий йилда 30 гектарлик иссиқхоналар қуриш кўзда тутилган. Бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Туркиядан ускуналар келтирилмоқда. Корхона 2019-2021 йилларда босқичма-босқич ишга туширилади.

Тадбиркорлар – Ўзбекистоннинг таянчи. Ҳаракат қилган барака топади. Тадбиркорлик ривожланса, кўплаб одам ишли бўлади, даромад олади, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятида ўзлаштирилмаган ерлар кўплиги, хориж тажрибаси ва технологияси асосида улардан фойдаланиб, бозорбоп маҳсулотлар етиштиришни йўлга қўйиш кераклигини таъкидлади. Мутасаддилар ва хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашиб, зарур кўрсатма ва тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев Ромитан туманидаги "BCT Cluster" хорижий корхонаси фаолияти билан танишди.

Қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш борасидаги ишлар доирасида мазкур корхона учун 8 минг гектар ер ажратилган эди. 3 мингдан зиёд киши иш билан таъминланиб, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Биргина 2018 йилда 20 минг тоннадан зиёд хомашё етиштирилиб, уни қайта ишлаш натижасида 61,5 миллион долларлик даромад олинди.

Эътиборлиси, корхонага дастлаб қарийб 75 миллион доллар инвестиция йўналтирилган эди. Яъни сарфланган маблағ бир йилдаёқ ўзини деярли оқлади.

Яна бир жиҳати: шунча пахта тола сифатида сотилганда 11,5 миллион доллар бўларди. Қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотилганда 50 миллион ёки 6 баробар кўп қўшимча қиймат яратилган.

Мана, кластер қандай бўлиши керак. Тадбиркорда манфаатдорлик туйғуси, янгича дунёқараш бўлса, албатта, натижага эришади. Иқтисодиёт ишласа, ижтимоий соҳаларниям "тортади". Кластер элга манфаат келтиради, одамларни иш билан, даромад билан таъминлайди. Энг катта мақсадимиз ҳам шу, деди Шавкат Мирзиёев.

Умуман, кластер пахта хомашёси етиштириш, уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотларгача бўлган 8 та лойиҳани ўз ичига олади. Ип-калава ва мато ишлаб чиқариш, уларни бўяш, тайёр кийим тикиш фабрикалари қурилиши давом этмоқда. Шунингдек, ёғ-мой заводи, чорвачилик комплекси ва озуқа ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Шу ерда Бухоро вилоятида пиллачилик, қоракўлчилик, балиқчилик ва томорқачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, замонавий узумчилик, лимончилик кластерлари ташкил этиш, суғориш тармоқларини реконструкция қилиш, фермер хўжаликларини ёқилғи ва минерал ўғитлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид ишлар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, Қоровулбозор туманида аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишнинг намунали тизимини яратиш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилди. "Қоровулбозор томорқа хизмати" МЧЖ томонидан лойиҳа доирасида 3 мингдан ортиқ хонадонда мевали боғ ташкил этиш, ихчам иссиқхоналар қуриш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 2 минг 500 дан ортиқ хонадонга қуён, парранда, наслли қорамол етказиб берилади.

Давлатимиз раҳбари томорқадан самарали фойдаланишга оид режаларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолига амалий кўмак бериш зарурлигини, бу озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўллиги ва арзонлиги, бозорларда нарх-наво барқарор бўлишида муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**



Фарғона вилояти

# Латиф шаҳар янада латофатли бўлди

***Жорий йилнинг 25-27 март кунлари Қўқонда шаҳар кўчалари, хиёбонлари, идоралар олди ва маҳаллаларда дарахт кўчатлари ўтказиш экомарафони ташкил этилди.***

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

"UzWaterAware" лойиҳаси доирасида Марказий Осиё минтақавий Экологик марказининг Ўзбекистондаги филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бошқа алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад, қадимий ва кўҳна Қўқон шаҳри зиёратгоҳлари ва қадамжоларига кўрк берувчи яшил дунё манзараларини кўпайтиришга, шаҳар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга муносиб ҳисса қўшишдир. Қолаверса, бу ишлар аҳоли саломатлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Марафоннинг дастлабки куни шаҳарнинг Фурқат боғи ҳудудига Қўқон шаҳар ҳокими бошчилигида дарахтлар экилди. Тадбирда нуронийлар, ёшлар иттифоқи вакиллари, хонадон соҳиблари, талаба-ўқувчилар қатнашди. Марафоннинг иккинчи куни эса Қўқон педагогика институтидан келган 500 нафар талаба, касб-ҳунар коллежлари ва мактаб ўқувчилари Фаробий кўчасида турли манзарали дарахт кўчатларини ўтказишда фаол иштирок этди.

– Шаҳримиз бежизга "Ҳўқанди латиф" дея аталмаган, – дейди шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Акмалжон Ҳамдамов. – Бу ердан ўзбек халқининг кўплаб атоқли шоирлари, ёзувчилари, санъаткорлари, олимлари етишиб чиққан. Шундай шаҳарда тоза экологик муҳит яратишимиз шарт, деб ўйлайман.

Шаҳарнинг Мовароуннаҳр кўчаси бўйлаб экилган манзарали дарахт кўчатлари ҳам ён-атрофга ўзгача чирой бахш этди. Марафон иштирокчиларига шаҳар нуронийлар масканида отахонлар ва онахонлар ўз ҳаётий тажрибалари ҳақида, хусусан, тозаликни сақлаш нақадар муҳим эканлиги ҳақида сўзлаб берди.

Тадбирнинг учинчи куни шаҳарнинг 3-сонли мактаби жамоаси экомарафон қатнашчиларини хушнудлик билан қарши олди. Мактаб ҳудудига манзарали кўп йиллик дарахтлар ўтқазилди. Шундан кейин шаҳар туғуруқ мажмуаси ҳудудига ана шундай дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шифокорлар жамоаси марафон қатнашчиларига ўз миннатдорликларини билдирди.

Таъкидлаш лозимки, тоза сув муаммоси бутун дунёда долзарблигича қолаётган бугунги кунда дарахт кўчатларини суғоришда ҳам янгича инновацион лойиҳаларни қўллаш муҳим саналади.

– Кўчат ўтқазишда олимларимиз томонидан яратилган махсус гидро-гел грануласидан фойдаландик, – дейди Ал Бухорий номидаги гидрогель ишлаб чиқариш илмий жамоаси раҳбари Алишер Турдиматов. – Ушбу препарат 18 хил микро ва макро элемент билан бойитилган, сувни тежовчи инновацион маҳсулот ҳисобланади. Кимё фанлари доктори, академик Туроб Жалилов ва кимё фанлари номзоди Шавкатжон Ширинов томонидан ихтиро қилинган ушбу препарат эритмаси ҳар бир экилган дарахт остига 50-100 граммдан қуйилди. Бу ниҳолнинг ўсишига кафолат беради демакдир.

Марафонда маҳаллалар аҳли, турли давлат ва жамоат ташкилотлари аъзолари бирдек фаол иштирок этди. Экомарафондан кейин Қўқон янада гўзал, латофатли қиёфага кирди. Бу кайфият шаҳар аҳолисининг юзидаги мамнунликда ҳам акс этди.

Самарқанд вилояти

***Самарқанд давлат тиббиёт институтида "Юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш" мавзусида халқаро конференция ўз ишини бошлади.***

## САЛОМАТЛИКНИНГ БИРИНЧИ ШАРТИ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Унда мамлакатимиз, шунингдек, Буюк Британия, Дания, Россия давлатларидан келган олимлар, шифокорлар иштирок этмоқда.

– Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, касалликларнинг 85 фоизи соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик оқибатида келиб чиқмоқда, – дейди Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги бош вакили Лианн Куппенс. – Камҳаракатлилик, меъёрдан кўп овқатланиш ва тузни ортиқча истеъмол қилиш касалликларни келтириб чиқараётган асосий омиллардир. Ана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, айни пайтда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида олиб борилаётган профилактик ишлар диққатга сазовор.

Анжуманда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудий идораси, Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, назорат қилиш ва қарши курашиш дастури етакчи раҳбари Жилл Фарингтон, Россия колопроктология ўқув маркази директори, Россия фанлар академияси мухбир аъзоси Юрий Шелигин ва бошқаларнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

Конференциянинг очилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Океан ошиб келган зараркунанда

## У айниқса, ипакчилик ва боғдорчиликка катта зарар етказади

**Мамлакатимиз боғ-роғларида етиштирилаётган ҳосилнинг қарийб 20-25 фоизи турли зараркунандалар ва касалликлар таъсирида нобуд бўлади. Кейинги йилларда Қозоғистон ва Қирғизистонда ўта хавфли "Америка оқ капалаги" кенг тарқалиб, ўсимликларга жиддий зарар етказмоқда. Ушбу хавфли карантин ҳашароти республикамиз ҳудудида учрамаса-да, лекин унинг кириб келиш хавфи катта.**





Бу ҳашаротнинг қуртлари мевали, манзарали ва ўрмон дарахтлари ҳамда буталар, айниқса, гул баргларини еб, зарар етказади. Унинг полиз ва дала экинларига тушганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар аниқланган. Ҳашарот айниқса, ипакчилик ва боғдорчиликка катта зарар етказиб, мамлакатимиз иқлим шароитига тез мослашиб кета олиши сабабли жуда хавфли ҳисобланади.

Вояга етган капалак қанотларини ёзганида катталиги 4-5 сантиметр келади. Ранги оқ, эркакларининг мўйловлари патсимон, урғочисининг мўйловлари ипсимон бўлади. Қуртининг катталиги 3-3,5 сантиметргача орқаси бўйлаб икки қатор чизиқ сариқ ёки ҳаворанг тусда товланиб туради. Ғумбаги сийрак, кулранг пилла ичида бўлиб, узунлиги 8-10 миллиметр келади, ранги тўқ, қўнғир бўлади. Танасининг учида 10-19 тагача қармоқсимон туклар бор.

Америка оқ капалаги янги ҳудудларда кўчат ва транспорт воситалари билан ўтиши умкин. Яқин жойларга эса, шамол орқали ҳам тарқалади.

Ҳашарот ғумбак даврида қишлайди. Пилласи дарахт пўстлоғи ёриқларида, шохларининг айрим қисмларида, дарахт тагидаги хазонлар орасида, девор ёриқларида ва тупроқнинг юза қатламларида бўлади. Капалаклар баҳорда учиб чиқади. Улар тунги ҳаётга мослашган. Капалаклар озиқланаётган ўсимлигига 500 тача тухум қўяди. Урғочи капалак қорнидан юпқа, момиқ чиқариб, уларнинг устини беркитади. Ҳаёти давомида 2000 тага яқин тухум беради.

Шу ва шунга ўхшаш хавфли зараркунандалар, бегона ўтлар ҳамда касалликлар кириб келишининг олдини олиш бўйича Андижон вилояти "Ўсимликлар карантини ҳудудий инспексияси" томонидан зарур чоралар кўриб келинмоқда. Жумладан, Хўжаобод туманининг Қирғизистон билан чегарадош "Дўстлик халқаро ўтказиш пункти" томонидан кечаю кундуз карантин назорати олиб борилмоқда. Ўсимликлар карантини чегара масканида юртимизга кириб келаётган юкларнинг бирламчи карантин назорати ўтказилмоқда. Фуқаролар томонидан олиб келинаётган карантин остидаги қўл юклари ҳам қатъий назоратга олиняпти.

**Олимжон ЎРИНБОЕВ,**
**Бахтиёр ЎРАЛОВ,**
*Андижон вилояти Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси чегара маскани инспекторлари.*

## √101 огоҳлантиради

### Эҳтиёт доимо шарт!

***Яшнобод тумани ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бунда ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар жиддий ўрганилмоқда.***

Аҳоли, корхона ва ташкилотлар жамоалари билан мунтазам учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, айримларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиши оқибатида ёнғинлар содир бўляпти.

Масалан, жорий йилнинг 11 январь куни Фурқат кўчасидаги уйлардан бирининг олдида, очиқ майдонда фуқароларнинг очиқ оловдан фойдаланишда эҳтиётсизлиги оқибатида 2 метр квадрат майдонда шох-шаббалар ёнган. Агарда шу ерда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинганида, ёнғин келиб чиқмасди ва ҳеч ким моддий зарар кўрмасди.

**Дилшод НУРУТДИНОВ,**
*Яшнобод тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, сержант.*

### Асосий эътибор аҳоли турар жойларига

**Сергели туманидаги аҳоли турар жойларида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш ва профилактик огоҳлантирув тадбирлари кучайтирилган ҳолда олиб борилмоқда. Жумладан, 2539 нафар фуқаронинг хонадони, 458 та кўп қаватли уй текшириб чиқилди.**

Аҳоли турар жойларини текширишда асосий эътибор носоз газ ва электр қурилмаларидан фойдаланишга йўл қўймаслик, газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ва бошқа қатор масалаларга қаратилмоқда. Ушбу текширувлар давомида 81 маротаба аҳоли билан учрашувлар ташкил этилди. Ўтказилган текширувлар давомида 376 та ёнғин билан боғлиқ камчиликлар аниқланиб, 311 тасининг бажарилишига эришилди.

Айни пайтда ҳам аҳоли турар жойларида профилактика ишлар кучайтирилган ҳолда олиб борилмоқда.

**А.АШИРОВ,**
*Сергели тумани ЁХБ инспектори, лейтенант.*

### Қўлбола ускуна кўп бало келтирмасин!

**Маълумки, бугунги кунда соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда турли тадбирлар олиб борилмоқда.**

Уларда аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасида, чунончи, очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола иситиш асбобларидан фойдаланмаслик зарурлиги тушунтирилмоқда. Ушбу қоидаларга ҳар доим риоя қилинса, йиллаб тўпланган мол-мулкни, уй-жойни, қолаверса, ўзининг ва яқинларининг ҳаётини асраб қолган бўлади.

Шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида барча-барчани доимо ҳушёрликка, огоҳликка чақирамиз.

**Фарҳод МИРЗАЕВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси инспектори, лейтенант.*

Андижон вилояти

***Наинки мамлакатимизда, халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистонда ўзгаришлар даври бошланганлиги эътироф этилмоқда. Ушбу жараёнда қишлоқ хўжалиги ходимларининг фаол иштирок этаётгани ҳам айни ҳақиқат.***



# Таркибий ўзгаришлар ўз самарасини бермоқда

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси янгиланиш даврини бошлаб бердики, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, экспортга йўналтириш тизимли равишда ўзлаштирилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакат миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек юксак мақсад сари интилиш ҳисси ортмоқда.

Шубҳасиз, бунда қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларига хос бўлган таркибий ўзгаришлар олиб борилаётганлиги кун сайин ўз натижаларини намоён этмоқда. Босқичма-босқич фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш, кам ҳосилли ғўза ва ғалла майдонларини қисқартириш эвазига боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, картошкачилик ҳамда яна бошқа бир қатор тармоқларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар юзага келмоқда.

Бундан 10 йил аввал вилоятимизда 18 мингга яқин фермер хўжалиги мавжуд эди. Ҳозирда ушбу кўрсаткич 7 минг 284 тани ташкил этади. Шундан 2 минг 305 таси пахта-ғаллачилик йўналишида бўлиб, қолганлари озиқ-овқат етиштириш билан боғлиқ фермер хўжаликларидир.

Жорий йилда вилоятимизда 79 минг 331 гектар майдонда пахта етиштирилади. Баҳорги дала ишларига пухта ҳозирлик кўрилгани боис, чигит экиш барвақт бошланди. 40 минг гектар ерда чигит плёнка остига экилди. 77 минг гектар ерда эса ғалла парваришланмоқда. Озиқлантириш, суғориш, суспензия бериш, бегона ўтларга қарши агротехник тадбирлар узвий тарзда амалга оширилмоқда.

Таркибий ўзгаришлар ҳақида сўз бораётган экан, асосий эътибор хомашё сотиш эмас, балки уни юқори қийматга эга даражага чиқариш учун кластер усулининг жорий этилаётганлиги қишлоқда ўзгариш даври бошланганлигидан далолат бермоқда. Ҳозирда пахтачиликда ушбу янгилик 8 та туманда, пиллачиликда эса барча ҳудудларда жорий этилди. Ушбу янгилик қишлоққа юқори технологияга асосланган саноатни олиб кириш жараёнини тезлаштирмоқда. Деҳқончиликда эса комплекс механизациялаштиришни жорий этишга туртки бермоқда. Навбатда мева-сабзавот ва ғаллачиликда ҳам кластер усулини жорий этиш устида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қаторида юртимизнинг ширин-шакар ноз-неъматларини хориж бозорига чиқаришдек мақсад ҳам рўёбга чиқа бошлади. Республикамизда эътиборга тушган Қўрғонтепа туманидаги кўп тармоқли “Оқ сув” фермер хўжалигида амалга оширилаётган лойиҳалар кўплаб фермерлар учун ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Мазкур хўжаликда қорамолчилик мавжуд бўлиб, олинаётган сут шу ернинг ўзида қайта ишланади. Ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари харидоргирлиги билан ажралиб туради. Ўтган йилнинг кузида қуввати 2,5 минг тонна бўлган мева-сабзавотни харидорга музлатилган ҳолда тақдим этадиган мажмуа ишга туширилди. 60 тоннадан зиёд дастлабки маҳсулотнинг харидори Россиядаги “Трейдинг сервис” компанияси бўлди. Маҳсулот сифати юқорилиги боис, мижоз томон аввал фермернинг ҳисоб рақамига 33 минг АҚШ долларини тушириб, сўнгра юкни ўзи олиб кетди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, компания жорий йил ҳосили учун хўжаликка сабзавот уруғларини етказиб берди ва барча маҳсулотни харид қилишга келишди.

Кечаги кун билан бугунни асло қиёслаб бўлмайди. Яқиндагина фермер ёхуд томорқачи ўз маҳсулотини қандай сақлаш борасида овораи сарсон эди. Айни кунда қишлоқларда 129 та турли сиғимдаги музлаткичлар бор. Янгиларини қуриш ва ишлатиш бўйича ўнлаб лойиҳаларни рўёбга чиқариш давом этмоқда.

Олтинкўл туманидаги “Армуғон Олтинкўл” боғдорчилик фермер хўжалигида олма етиштириш йўлга қўйилган бўлиб, 30 гектар майдонда етиштирилаётган ҳосил тўла музлаткичга қўйилмоқда ва йирик савдо корхоналарининг эҳтиёжини қондирмоқда.

Ички бозорни тўлдириш баробарида хорижга мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб беришда томорқа ва деҳқон хўжаликларининг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаб ўтмоғимиз лозим. Ҳозирда вилоят бўйича томорқаси мавжуд хонадонлар 477 мингтани ташкил этиб, уларнинг ихтиёрида 24 минг 541 гектар экин майдони бор. Президентимизнинг айни томорқа масаласига алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас. Томорқачиларга берилаётган эътибор, айниқса, банкларнинг имтиёзли кўмаклари ўз самараларини бера бошлади. Хонадон шароитида йил давомида 2-3 бор ҳосил олиш имкониятлари кенгайди.

Ҳар бир маҳаллада шундай омилкор томорқачилар борки, уларнинг эришаётган натижалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.



Шаҳрихон туманидаги “Дўрмон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Содиқжон Маткаримов хонадонида 26 сотих ерда иссиқхона бор. Шундан 11 сотихида 30 хилдан зиёд гул кўчатлари буюртма асосида етиштирилади. Мижозлар орасида республикамизнинг турли ҳудудларида яшовчи юртдошларимиз, ҳатто қўшни Қирғизистон ва Тожикистон фуқаролари ҳам бор.

15 сотих ерда, аввало, сабзавот кўчатлари ва сўнгра ҳосил етиштирилади. Булғор қалампири ҳамда бодринг кўчатлари учун мижозлар шу қадар бисёрки, йиллик даромад 500 миллион сўмдан кам эмас. Мазкур томорқада хонадоннинг 5 нафар аъзоси қаторида қўни-қўшниларидан 10 киши йил давомида иш билан банд.

Олтинкўл туманидаги “Темирхўжа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Аҳмадали Ёқубов оиласида томорқадан фойдаланиш борасида ўзига хос тажриба мактаби яратилган. 3,6 сотих иссиқхонада бир вақтда лимон, бодринг, ошқовоқ ва аччиқ қалампир парвариш қилинаётганлигини кўришингиз мумкин. 2 сотихли иссиқхонадаги гул кўчатларини харидорлар олиб кетишди. Энди иссиқхонага масъул ўғил Жасурбек Ёқубов такрорий тарзда булғор қалампири кўчатларини ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда.

Жасурбек иссиқхоналарни иситишда тежамкор ва самарали бўлган янгиликни жорий этиб, эртаки ва кам харажат ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олган. Унинг қўни-қўшнилари ҳам иссиқхона шароитида кўчат етиштириш ва сабзавот экинлари парваришини мукаммал ўзлаштирганки, бунга уларнинг турмуш тарзи гувоҳлик беради.

Томорқачиларнинг касбий малакаси ортган сари илғор тажрибалар жорий этилмоқда, чунончи аксарият иссиқхоналарда томчилатиб суғориш усули мавжуд. Иситишнинг ҳам тежамкор усуллари жорий этилмоқда.

Яқинда Президентимизнинг “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида бир қатор янгиликлар бор. Қарорда молиявий кўмак, бандлик муаммосини бартараф этишга қаратилган жиҳатлар, хизмат кўрсатиш ва кластер усулини жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар қамраб олинган.

Шаҳрихон туманининг Дўрмон маҳалласидаги хонадонларнинг 90 фоиздан кўпроғида фақат булғор қалампири етиштирилади. Жалақудуқ туманидаги Далварзин, Пахтаобод туманидаги Бойкечик маҳаллаларида анжир, Избоскан туманидаги Чувама, Тўрткўл қишлоқларида анор, Булоқбоши туманидаги Майариқ, Марҳамат туманидаги Қорақўрғон, Асака туманидаги Кужган қишлоқларида узум, Андижон туманидаги Хакон қишлоғида резаворлар етиштириш асосий ўрин тутади.

Қарорда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, “бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида мақсадли ихтисослаштиришга эътибор қаратиш қайд этилган. Вилоятимизнинг кўплаб ҳудудларида ихтисослашиш борасида тажрибалар бор ва уни ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Ҳудудий ишчи гуруҳлари маҳаллаларда бўлиб, томорқа ва деҳқон хўжалиги билан боғлиқ муаммоларни ўрганмоқда, “Томорқа хизмати” фаолиятини кенгайтириш орқали муаммоларни бартараф этиш йўлида баҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилмоқда.

Ҳозиргача амалга оширилган чора-тадбирлар қишлоқ хўжалигида изчиллик билан олиб борилаётган таркибий ўзгаришларнинг самарадорлиги мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшишга бўлган ишончни оширмоқда.

**Бегали ҚОДИРОВ,**
*Андижон вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси.*

## Эълонлар

**Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!**

**“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ**

***такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

**“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 26 мартдаги 393-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар чиқарилган:**

1. Навоий вилояти, Нурота туманида жойлашган “Нурота деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 4200,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 876,0 кв.метр, 2 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси – 1 694 753 000 сўм.**

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Қонликўл туманида жойлашган “Қонликўл деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 17000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 2619,6 кв.метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси – 4 152 364 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2019 йил 4 апрель куни соат 11:00 да** Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулклар **2019 йил 4 апрель** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари **2019 йил 10, 15 апрель** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz.

Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

**Лицензия RR-0001.**

**“UNIVERSAL GIGANT GROUP” МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Савдога “AGRO BANK” АТБ бошқарувининг 2017 йил 13 июндаги 42/1-сонли қарори ва “AGRO BANK” АТБ Сиёб филиалининг 28.03.2019 йилдаги № 07-07/164-сонли хатига асосан Самарқанд шаҳри Истиқбол кўчаси 2 “А” манзилида жойлашган банк биноси 1219400000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 10 май куни соат 10:00 да Самарқанд шаҳри А.Жомий кўчаси 65 уйда бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилиш манзили: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов хиёбони Рисолат савдо дўкони биринчи қавати.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2019 йил 8 май куни соат 16:00.

Юқоридаги мулк 2019 йил 10 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2019 йил 27 май куни ва 12 июнь куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2019 йил 27 майдаги такрорий савдолар учун 2019 йил 26 май куни соат 16:00, 12 июндаги савдолар учун 11 июнь куни соат 16:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳномаси ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан қонунда белгиланган тартибда олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномасини тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, бино бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули ва “Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)”га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдоридаги маблағлар савдо кунига қадар “UNIVERSAL GIGANT GROUP” МЧЖнинг “Ипотекабанк” АТИБнинг Жиззах вилояти филиалидаги ҳисоб рақамига тўлаб берилади.

Тел.: 226-22-52. ***Лицензия: RR-0206.***

*Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.*

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ нинг “PSB Capital” МЧЖ инвестицион компанияси Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Кўкча дарвоза кўчаси 27-уйда жойлашган “Оқлон” технопарки ҳудудидаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган умумий ер майдони 18000,0 кв.м.дан иборат 4 та 2 қаватли, ҳар бирининг умумий майдони 2.564,0 кв.м. га тенг (ҳар бир қават 1.282,0 кв.м. дан) ишлаб чиқариш биноларини ҳамда 1 та 2 қаватли ошхона биноси ва 1 та 1 қаватли трансформатор биносининг бозор қийматини аниқлаш ҳамда баҳоланган баҳолаш ҳисоботини экспертизадан ўтказиш мақсадида мустақил баҳолаш ташкилотларини танлаш бўйича танлов эълон қилади.

Мустақил баҳолаш ташкилотлари тижорат таклифларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, 2019 йил 10 апрелга қадар қуйидаги манзилга тақдим этишлари мумкин:

**Манзил:** Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Абай кўчаси 10А уй.

**Мурожаат учун тел.: +998(95) 199-04-50.**
**Электрон почта: psb_capital@mail.ru**

**Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!**

**“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

***“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 28 мартдаги 401-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:***

Тошкент вилояти Бўка туманида жойлашган умумий майдони 4498 кв.метр, қурилиш ости майдони 1238,4 кв.метр, 2 та литердан иборат, 2 қаватли “Бўка деҳқон бозори” мажмуаси. **Бошланғич баҳоси – 4 810 420 865 сўм.**

**Аукцион савдоси 2019 йил 30 апрель куни соат 11:00 да** Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 30 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2019 йил 6, 10 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz.

Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz , kmsxuz@mail.ru.

**Лицензия RR-0001.**

**Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!**

**“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

**“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига, “Ўзагросуғурта”АЖнинг2019 йил 25 мартдаги 18-07/740-сонли буюртманомасига асосан, қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

1. Тошкент шаҳри Учтепа тумани Лутфий кўчаси 18А-уй ҳудудида жойлашган, ер майдони 0,1061 га, қурилиш майдони 796,00 кв.метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси 3 700 473 552 сўм.**

2. Тошкент вилояти Бўка тумани Ўзбекистон кўчаси 2-уй ҳудудида жойлашган, ер майдони 0,0138 га, қурилиш майдони 121,14 кв.метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси 113 284 948 сўм.**

3. Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани Дўстобод шаҳарчаси Суворова кўчаси 37-уй ҳудудида жойлашган, ер майдони 0,074 га, қурилиш майдони 179,90 кв.метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси 75 982 746 сўм.**

4. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани У.Носир кўчаси 12-уй худудида жойлашган, ер майдони 0,0676Га, курилиш майдони 142,45 кв.метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич бахоси 112 881 959 сўм.**

5. Тошкент вилояти Паркент тумани “Ойбек” МФЙ Жунқишлоқ кўчаси ҳудудида жойлашган, ер майдони 0,0225 га, қурилиш майдони 170,23 кв.метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси 131 452 654 сўм.**

6. Тошкент вилояти Янгийўл тумани “Эски қовунчи” МФЙ Самарқанд кўчаси 173-уй ҳудудида жойлашган, ер майдони 0,0632 га, қурилиш майдони 242,89 кв.метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси 163 727 695 сўм.**

**Аукцион савдоси 2019 йил 30 апрель куни соат 11:00 да** Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолари 2019 йил 7,14,22,29 май кунлари бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

**Лицензия RR-0001.**

# Изланиш истиқболга етаклайди

## Каттақўрғон театри ижодий жамоасининг шиори шундай

Самарқанд вилояти

***Айни кунларда салкам юз ёшини қаршилаётган Абдулҳамид Мажидий номли Каттақўрғон шаҳар ўзбек драма театри ижодий жамоаси зўр ғайрат-шижоат билан ишлаётир. Фаолиятини 1921 йилда бошлаган бу ижодий жамоа ўтган йиллар давомида жаҳон драматургларининг етук асарларини саҳналаштира олди. Унда меҳнат қилган қатор ноёб истеъдод соҳиблари ўзларига топширилган ролларини қойилмақом тарзда ижро этиб, элсевар санъаткорларга айландилар.***



Хусусан, Пастдарғом туманининг Боғли қишлоғида таваллуд топган Ширин Мелиева ўзидаги билим ва иқтидорни ишга солиб, тез орада театрнинг етакчиларидан бири бўлди. 1941 йилда бошланган Иккинчи жаҳон уруши туфайли фаолияти тугаш олдида турган театрни сақлаб қолди. Унинг турмуш ўртоғи, моҳир созанда Турсун Йўлдошев фронтга кетиб, кўкси жанговар орден ва медалларга тўлиб, соғ-омон қайтиб келгач, севимли ёри мададига таянган ҳолда театр жамоаси билан елкама-елка самарали ижод қилди. Шу тариқа театр мавқеини мустаҳкамлаб борди, залворли саҳна асарлари саҳналаштирилди. Ижодий жамоа нафақат Каттақўрғонда, балки бутун республикада муносиб иззат-ҳурматга ва эъзозга сазовор бўлди.

Турли йилларда театр бош режиссёрлигига Рихси Орифжонов, Неъмат Шомуродов, Иброҳим Нурмонов, Равшан Ёриевлар таклиф этилиб, Назир Сафаров, Ўлмас Умарбеков, Саид Аҳмад, Туроб Тўла сингари таниқли ижодкорлар, шунингдек, турк, туркман, озарбайжон драматургларининг сара асарлари саҳналаштирилди.

Уйғуннинг "Зебунисо", Абдулла Қаҳҳорнинг "Кампирлар сим қоқди", "Синчалак", "Оғриқ тишлар", Яздон Худойқуловнинг "Дугоналар" каби ҳаёт нафаси уфуриб турган асарлари шу ерда саҳна юзини кўрди.

Мустақиллик йиллари театр жамоаси янгича илҳом ва кўтаринкилик билан ишлай бошлади. Театр репертуарини бойитиш устида қунт билан иш олиб борган ҳолда қувончли ижодий натижаларга эришилди. Жумладан, Чингиз Айтматовнинг "Эрта қайтган турналар", Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта", Сардор Ҳамроевнинг "Оқпадар", маҳаллий драматург Мамадали Эргашевнинг "Имом Ал-Бухорий", ёзувчи Тоҳир Маликнинг "Заҳарли томчилар", Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи асосида, Маҳмуд Умаров яратган "Зириллама томонларда" номли спектакль ва бошқа асарлар саҳналаштирилди.

Шу кунларда театр актёрлари Эркатош Шукурованинг фермерлар ҳаётига оид "Соҳиба", Гулчеҳра Муфтизоданинг "Унутилган бойлик", Тоҳир Маликнинг гиёҳвандликнинг хунук оқибатлари ҳақидаги "Заҳарли томчилар", Н.Қобулнинг ёшлар тарбияси мавзусидаги "Тўда" спектакллари билан муштарийларни хушнуд этаётир.

Тажрибали режиссёрлар томонидан саҳналаштирилган асарларни республикамиз вилоятларида истиқомат қилаётган томошабинларга манзур этиш мақсадида гастрол сафарларида бўлиш театр жамоаси учун анъанага айланган. Жумладан, яқинда Сурхондарё вилоятига қилинган ижодий сафар давомида Ҳабибулло Абдуллаев томонидан саҳналаштирилган "Заҳарли томчилар" спектакли намойиш этилди. Шунингдек, ўтган йили қўшни Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрига ҳам ижодий сафарлар уюштирилди.

2017 йилда Тошкентда республика театрларининг "Сени куйлаймиз, замондош" кўрик-танлови ўтказилган эди. Республикамизда фаолият кўрсатаётган театрлар ижодий жамоалари томонидан тавсия этилган ўттиздан ортиқ спектакллар орасидан етук мутахассислар саралаб олган ўнта саҳна асари пойтахтимизнинг турли театрларида намойиш этилди. Нуфузли танловда Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театрига "Жасорат йўли" (муаллиф Сардор Ҳамроев, режиссёр Ҳабибулло Абдуллаев) спектакли учун махсус соврин топширилди. Ушбу соврин жамоани янада фаоллик, кўтаринкилик билан ишлаш ва ижодий изланишга ундаётир.

**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**фахрий журналист.**

Сирдарё вилояти

***Президентимиз ташаббуси асосида ташкил этилаётган "Book challenge" лойиҳаси доирасида Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри марказида тантанали тадбир ўтказилди. Унда вилоят ҳокими бошчилигидаги раҳбар ходимлар томонидан 2 мингдан ортиқ китоб мактабларга совға қилинди.***

# "Book challenge" лойиҳаси доирасида 3 мингдан ортиқ китоб совға қилинди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Комил Алламжонов ва вилоят ҳокими Ғафуржон Мирзаев Сайхунобод туманининг Ўзбекистон маҳалласида яшовчи тадбиркор аёл Гавҳарой Ҳусанова томонидан ташкил этилган хусусий кутубхонанинг очилиш маросимида иштирок этди ҳамда кутубхонага Президент совғаси – мингдан зиёд китобни топширди.

Шунингдек, туманда барпо этилган "Жажжи билағон" нодавлат мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу муассасада инглиз ва рус тиллари чуқур ўргатилади, таълим олувчилар учун барча замонавий шароитлар яратилган. Комил Алламжонов бу каби масканларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда агентлик ўз лойиҳалари ва болалар китоблари билан иштирок этишга тайёр эканини таъкидлади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Реклама ва эълонлар










Сирдарё в. Оқолтин т. Тошкент кўч. 1-уйда жойлашган Сирдарё в. Оқолтин т. ДХМ томонидан 2019 й. 11 февралда 110-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган "SARDOBA TEKSTIL" МЧЖ (СТИР 302497116) "SARDOBA TEX" МЧЖнинг "SARDOBA TEKSTIL" МЧЖга қўшилиш йўли билан қайта ташкил этилишини билдиради.

Даъволар ва аризалар ушбу эълон босилиб чиққан санадан бошлаб 2 ой муддатда қабул қилинади. Тел.:(71 ) 230-90-18.

Юнусобод т. ДХМ томонидан 03.08.2017 й. 648424 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "SAMIRA BEAUTY HOUSE" МЧЖ (СТИР 305843885) тугатилишини маълум қилади. Даъволар (99) 615-99-39 тел. рақами орқали қабул қилинади.

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки жамоаси ҳамда Касаба уюшмаси қўмитаси банк марказий идораси ходими Зулайҳо Джураевага укаси

**ЮНУС ДЖУРАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

| | | |
|---|---|---|
| Андижон | – | (+99893) 630-73-03; |
| Бухоро | – | (+99891) 401-29-59; |
| Жиззах | – | (+99893) 940-10-78; |
| Навоий | – | (+99891) 332-50-99; |
| Наманган | – | (+99893) 948-53-86; |
| Фарғона | – | (+99890) 407-76-03; |
| Самарқанд | – | (+99897) 575-50-67; |
| Сирдарё | – | (+99894) 168-23-60; |
| Сурхондарё | – | (+99890) 520-20-05; |
| Тошкент | – | (+99890) 976-39-58; |
| Хоразм | – | (+99897) 790-47-61; |
| Қашқадарё | – | (+99897) 290-28-88. |

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

7 747 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 02.55

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6